1991 — 1998

МУСТАҚИЛЛИК

Президент совғаси топширилди

Тўрақўрғоннинг Шаханд қишлоғилик Комилжон Йўлдошев яқинда юртбошимизни истиқлолнинг 7 йиллиги билан табриклаб, ўзининг «Озодлик жарчиси ҳақида қўшиқ» мувашшаҳини юборган эди. Мактуб ва шеър «Туркистон» газетасида босилди.

Куни кеча Йўлдошевлар хонадонида байрам бўлиб кетди. Президент Комилжонга мактуб йўллаб, самимий сўзлари учун миннатдорчилик билдирди ва мустақиллик байрами билан муборакбод этди. Юртбошимиз мактуби ва эсдалик совғасини Президент девонининг масъул ходими Э. Гафуров топширди. Совға топшириш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Юсупов, Тўрақўрғон туман ҳокими И. Нажмиддинов ҳозир бўлдилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ

Зиёкорлар баҳси

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан «Ёш кутубхоначи» кўрик-танлови ўтказилди. Саводхон ва ўзбек адабиёти ҳамда миллий урф-одат ва анъаналарни яхши билган кишилар танловга жалб қилинди. «Касб ва китоб ҳақида сўз», «Ўзбекистон мустақил диёр», «Республика вақтли матбуот нашрлари» мавзуларига оид хилма-хил саволларга мазмунли ва пухта жавоб бериш бўйича ўзига хос баҳс авжга чиқди. Иштирокчилардан Матлуба Мавлонова, Ферзуза Назарова, Феруза Исломоваларнинг жавоблари юқори баҳоланиб, уларга танлов ғолиби сифатида совға ва дипломлар топширилди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Ҳокимликдаги ходимлар учун

Техника тараққиёти ривожланиб қулай транспортдан фойдаланиш кўпайгани сари одамлар охир-оқибатда уларнинг орасидан велосипедни танлашса керагов. Велосипед жисмоний ҳаракат манбаи, саломатлик гарови. Бунинг устига атроф-муҳитни ифлосланишдан асрайди. Дўстлик тумани ҳокимлиги масъул ходимлар учун 20 та велосипед олишга буюртма берилгани ҳам бежиз эмас. Ҳокимликда хизмат қилаётганлиги учун унча урф бўлмаган бундай транспорт воситасидан фойдаланиш оммалашиб бошқа жойларда ҳам қўллаб-қувватланса ажаб эмас.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

Лойиҳа тайёр

Жиззахдаги «Дўстлик» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ўтган йили 16 минг 698 тонна пахтани қайта ишлаб, Швейцария, Нидерландия, Австрия, Корея каби хорижий мамлакатларга жўнатган ва бундан 3 миллион сўм соф даромад олган эди. Бу йил ҳам уларнинг шашти баланд. Эндиликда улар ўтган йилги фойда ҳисобига қўшма корхона ташкил этишмоқчи. Ҳозирдаёқ Германия билан ҳамкорликда 2,5 минг тонна пахтани қайта ишлаб, ип йигирадиган ва ундан тайёр маҳсулот чиқаришга мўлжалланган корхонанинг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб қўйишди.

Қўшма корхона ишга тушгач 250 киши иш билан таъминланади.

Маъмуржон ХОЛМИРЗАЕВ

Олтиндан қиймати қадрият

Ҳеч қачон четга, яъни хорижга чиқмаган одам — ҳамма нарсадан кўра кўпроқ бирор узоқ юртга бориб келгиси келади. «У ёқларда ҳаёт қандай? Одамлар қандай яшаяпти экан?» Билгиси келади. Одамзот руҳияти шунақа: юз бор эшитгандан бир бор кўрган афзал.

Термизда Чори Маматқулов деган одам бор. Хусусий фирма эгаси. Бундан уч-тўрт йил аввал узоқ юртлардан бирига бориб келди. Сўнг сафар таассуротларини сўзлаб, бизни лол қолдирди. «Э, дўстим, ана ҳаёт, ана ривожланиш, деди у ҳаяжонланиб. — Дўконларини айтай, одамнинг жонидан бошқаси бор. Кўчалари тоза, озода. Кейин биздагидек ДАН ходимларини ҳар километрда учратмайсиз. Йўл чироқларининг ўзида компьютерлар жойлаштирилган...» Бу унинг илк хориж сафари таассуротлари эди.

Орадан бир йил ўтиб, яна ўша ўзи мақтаган мамлакатга бориб келди. Аммо, бу гал бизни ўзининг ҳаяжонли таассуроти билан ҳайратга туширмади... «Ай дўстим, ишонинг, дунёда бизнинг мамлакатдан обод, ўзимиздан сахий, меҳрибон, меҳмондўст юрт ҳеч қаерда йўқ экан. Уларнинг ялтироқ рекламаси устида гапирмай. Аслида Ўзбекистонда яшаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди! Баъзилар, ҳамон қийинчилик, нарх-навонинг баландлигидан нолийдилар. Аммо бугунги ўзгаришлар, янгиланишларни эътироф этгилари келмайди. Бироқ, тежамкорлик билан иш юритаётган, тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар ёмон яшашмаяпти-ку?»

Жуда яхши эслайман. Давлатимиз мустақил деб эълон қилиниши арафасида мустақиллик ва у бизга беражак неъмат — ҳур тафаккур эканлиги ва у неъмат инсон учун бениҳоя улуғлиги ҳақида бир мақола Сурхондарё вилоят рўзномасида босилганди. Мақола кўп қайчиланган бўлса-да, барибир эълон қилинди. Шундан сўнг вилоятдаги мафкура ишлари бўйича «каттакон»лардан бири мени чақириб, столга муштлаб ўшқирди: «Мустақиллик, мустақиллик дейсан, шунча йил бирга яшаб келганимиз буюк СССР нима бўлади? Билиб қўй, Ўзбекистон Россиядан ҳеч қачон ажрамайди. Буни сен ва сенга ўхшаганлар мингта мақола ёзсаларинг ҳам ўзгартира олмайсанлар».

Ҳа, ўшанда эл бошида раҳбар бўлиб турган айрим кишиларнинг фикри бундан бошқача эмасди. Бироқ, мустақиллик эълон қилингач, столини муштлаб бақирадиган «эски мафкурачи»лар жим қолишди.

Президентимизнинг «Тафаккур» журнали саволларига берган жавобларини ўқиб, дилимда кўпдан-кўп ўйлар кечди ва шундай хулосага келдим: Мустақилликнинг етти йиллиги арафасида мамлакатимизда амалга оширилаётган нафақат иқтисодий ислоҳотлар, балки маънавий-маърифий йўналишдаги ишларнинг моҳияти олтинга тенг экан. Бу сиёсат, бу давлат дастурларини рўёбга чиқаришга нафақат раҳбарлар, балки ҳар бир зиёли, ҳар бир инсон масъул бўлмоғи лозимлигини англадим. Мустақилликнинг етти йилида Ватанимиз етмиш йилдан-да кўпроқ тараққиёт даражасига эришди.

Шу ўринда ҳаётий мисоллар: бундан икки-уч йил аввал Сурхондарё вилоят хўжалик судининг раиси пора олиб қўлга олинди. Ва у бугунги кунда қамоқ жазосини ўтаяпти. Аммо, яқинда унинг ўрнига бўлган киши ҳам худди шундай иллат билан қўлга тушди.

Хўш, бу ерда жавобгарлик туйғуси ҳақида гап бўлиши мумкинми? Ахир, жабр кўрган бечора қозининг олдига арз қилиб келса-ю, қози унинг дардига дармон бўлиш ўрнига, терисига сомон тиқиб жўнатса, бу жавобгарлик туйғусининг баҳоси қанча бўлади?

Фикримизча, бу ҳолатлар бугунги даврнинг ўткинчи кўринишларидир. Негаки, Президентимиз юраги тоза, насл-насаби тоза, виждонли ва ёш кадрларга ишониш, уларга таяниш лозимлигини уқтиряпти. Бунга эришиш учун эса аллақачон мустаҳкам замин яратилаётир. Мен шу ўринда олий ўқув юртларига ўқишга киришда адолатнинг тикланганлигини эътироф этаман. Бу ҳам, албатта, истиқлолнинг неъматидир. Бир пайтлар «ўз кучи» билан олий ўқув юртига кириш «бахтли тасодиф»дай гап эди.

Ўтган йили Термиз Давлат университети проректорларидан бирининг фарзанди шу университетга қабул бали етмай кира олмади ва бундан ҳеч ким айтарлик ажабланмади. Ўзингиз ўйланг, тест синовларидан олдин бундай ҳолатни тасаввур этиш мумкинмиди? Истиқлолдан кейин қўлга киритилган бу ютуқлар маънавий-маърифий юксалишнинг самараси эмасми? Маънавий юксалиш тараққиётимизнинг калити эмасми?

Мустақиллик — қўзимизнинг нури. Мустақиллик — қалбимизнинг сурури. Дилимизнинг ғурури. Биз етти йилда етти асрга татигулик тараққиёт даражасига эришдик. Мен ишонч билан айта оламанки, XXI аср Ўзбекистон асри, XXI аср ўзбеклар асри бўлиб тарих зарварақларига битилажак.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Истиқлол мушоираси

ВАТАН ЁДИ

Эпкинлари кўзларимга ёш урган,
Товонимга тикон кирган, тош урган.
Сўқмоқлари тизмларимга суйкалиб,
Адирлари оёғимга бош урган.

Ҳар хасида юз минг боғнинг қиссаси,
Чинорлари осмонларнинг ҳассаси.
Мамасайид бобомнинг обдастаси
Сўрисида зору интизор турган.

Мозорлари шомлар ичра қарориб,
Юлдузлари нурли ҳикмат юбориб,
Тупроғига Оллоёрлар шеър қориб,
Термизийлар хаёл сурган, ўй сурган.

Майсаларнинг тили, сувлар бадани
Қандай гўзал тушунгайлар Ватанни.
Эй, зангламас қиличларнинг мадфани,
Бўронлари тулпорларга соч ўрган.

Мозийлардан тинглаб ҳақир сўзимни,
Бир юз келиб қуйдиради юзимни.
Очай десам, очолмайман кўзимни,
Қалдирғочлар қабоғимга ин қурган.

Сирожиддин САЙЙИД

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 13 август, пайшанба • № 95 (22.332).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

XXI аср ўзбек ёшлари



Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Очиқ мулоқот

Дангалини айтган яхши...

Тўғри-да, дардни яширсанг иситмаси ошкор қилади, дейишади. Халқ доно. Бир нарсани билмаса, гапирмайди. Ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, юқоридаги мақолни боболаримиз бизга бежиз мерос қолдирмаганини англаймиз.

Қизил империядан бизга оғир асоратлар қолди. Бу ҳолат ҳали-хануз соҳаларда бўй кўрсатиб қолади. Айниқса, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган айрим раҳбарларнинг матбуотдан қўрқиши ёки очиқдан-очиқ журналистлар билан учрашувдан қочишларининг бир учи ҳам айни қизил империяга бориб тақалади. Чунки, ўша пайтларда тепанинг рухсатисиз журналистга бирор гапни айтиб қўйишдан чўчишган улар. Агар иложсиз журналистлар билан учрашиб қолганларида ҳам, «бизда ҳаммаси яхши» дейишдан нарига ўтмаганлар. Ана шу «бизда ҳаммаси яхши», деган ниқоб бутун бир тузумни ич-ичидан емириб адо қилди. Қачонки, минг бир камчилик, минг бир етишмовчилик бўлиб турган экан, уни ёлғон-яшиқ шиорлар билан тузатиб бўлмайди. Яхшиси ҳаммасини ошкора айтиш, ҳар қандай камчиликларга қарши қўлни-қўлга бериб курашиш лозим. Ҳар ҳолда кўпчиликдан кўп, демакки, яхши фикр чиқиши мумкин. Афсуски, бугун ҳам айрим мансабдор акаларимиз айни ҳақиқатни англаб етмаяптилар. Халқ тили билан айтганда «оч қорним, тинч қулоғим» деган ақидага амал қилиб, ҳеч кимнинг кўзига ташланмасдан, бир четда биқиниб, тинчгина раҳбарлик қилишни афзал кўраяптилар. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган нутқида алоҳида тўхталиб ўтганлари ҳам бежиз эмас.

Юртбошимизнинг танқидларидан ўз вақтида ва тўғри хулоса чиқариб олган Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ташаббуси билан ўтган ҳафта журналистлар ва «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси раҳбарлари учрашувини ташкиллаштирган эди. Бу ҳафта эса, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазири В.К.Михайлов, вазир ўринбосари О. С. Ҳайдаров билан учрашдилар.

Маълумки, коммунал хизмат кўрсатиш тармоғи ижтимоий муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади ва унинг фаолияти аҳолининг биринчи даражали эҳтиёжларини қондириш ва республика халқ хўжалиги учун зарур хизматлар кўрсатишга қаратилган. Унда асосий фондларнинг тўртдан бир қисми жамланган бўлиб, (хизмат кўрсатилаётган хусусийлаштирилган уй-жойларни ҳам ҳисобга олганда) 120 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Коммунал хизмат кўрсатиш тармоғи ҳозирги пайтда етказиб берилаётган ва тақсимланаётган табиий ва суюлтирилган газнинг деярли ҳаммасини, коммунал сув таъминоти ва оқовалар чиқаришнинг саксон фоиздан ортиғини ҳамда иссиқлик таъминотининг деярли тўқсон фоизини назорат қилади. Тармоқда уй-жойлар, ижтимоий-маданий бинолар ва муҳандислик тизимларини мукаммал таъмирлашни амалга оширувчи корхоналар марказлаштирилган. Унинг саноат корхоналари саноат ва маиший газ қурилмалари, ностандарт буюмлар, кичик механизация воситалари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мослашган.

Вазирлик таркибида жойлардаги тегишли давлат ҳокимияти органларига ҳам бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмалари иш олиб борадилар. Шунингдек, вазирлик таркибида республика тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар ҳам бор. Улар орасида хўжалик ҳисобидаги «Бошкоммунгаз» бошқармаси, «Ўзкоммунмаштаъминот» РИЧБси, минтақавий сув узатгичлардан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш бўйича РИЧБси, иккита лойиҳа институти, «Ташкилотчи» лойиҳа-технологик трести, иккита қурилиш-монтаж бўлинмаси, «Ўзбекгазсувқурилиш» акционерлик жамияти ва Қарши шаҳридаги «2-Ўзбекгазқурилиш» трести фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг ўтган олти ойлигида аҳолига кўрсатилган хизматлар ва чиқарилган маҳсулотлар ҳажми салкам 50 миллиард сўмни ташкил этди. Аҳолига деярли олти миллиард сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Пудрат ишлари режаси ортиғи билан бажарилди.

Олти ойликда ичимлик суви етказиб бериш топшириғи сўм ифодасида 100,2 фоизга ёки 2719,6 миллион сўмга, оқова сувлар чиқариш 101,4 фоизга ёки 1219,8 миллион сўмга, иссиқлик энергияси 103,2 фоизга ёки 10162,2 миллион сўмга бажарилди. Маросимларга хизмат кўрсатиш 116,8 фоизга, техник рўйхатга олиш 128,1 фоизга, таъмирлаш ишлари 109,1 фоизга, шаҳар электр траспорти 108,5 фоизга, кўкламзорлаштириш 110,8 фоизга, уй-жой фондини жорий таъмирлаш 101,8 фоизга уддаланди.

Агар юқорида келтирилган рақамлар билан чегараланадиган бўлсак, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бирорта камчилик қолмагандек кўринади. Афсуски, ҳозирча бу соҳада ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам учраб турибдики, бундан кўз юмишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Дейлик, ўтган йили Фарғона водийсида истиқомат қилувчи аҳолини газ билан таъминлашда катта узилишлар бўлди. Журналистларнинг бу ҳақдаги саволларига соҳа вазири В. К. Михайлов атрофлича жавоб берди. Маълумки, аҳолини, айниқса, шаҳар аҳлини ичимлик суви, иссиқ сув билан таъминлашда ҳам узилишлар бўлиб туради. Каталакдай «дом»ларимизда сувсизликдан қийналган пайтларимиз, тегишли идораларга қатнайвериб тинкамиз қуриган ҳолларимиз кўп бўлган. Лекин турар-жой учун коммунал хизмат ҳаққини тўлаганимизда ҳеч ким буни ўйламайди. Иссиқ ёки совуқ сув бўлганми йўқми, ҳаққини талаб қилишади. Вазирнинг жавобидан маълум бўлдики, агар бир кун сув бўлмаса, ўша бир кун учун ҳам тўлов олинмаслиги керак. Агар олдиндан тўланган бўлса, бу пул аҳолига қайтарилиши керак. Хуллас, атроф муҳит тозалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, тўловларнинг ошганлиги, шаҳарда чиқитларни қайта ишловчи заводлар қуриш муаммолари, вазирликда давлат тилига эътибор масаласи каби ўнлаб ўткир муаммоли саволлар ўртага ташланди. Вазир ва унинг ўринбосари жавоблари тингланди. Ҳар ҳолда бу галги очиқ мулоқот беиз кетмаслиги аниқ. Қолаверса, бу ҳали бошланиши, тажриба холос. Асосий ва жиддий мулоқотлар эса олдинда.

Норбобо ШАКАРОВ,
Ислом ҲАМРО

Афғонистон воқеаларига доир

Хорижий оммавий ахборот воситалари материалларининг шарҳи

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, шанба куни Толибон ҳаракати ўзларига қарши курашаётган шимолий коалициянинг суянчиғи — Мозори Шариф шаҳрини ишғол қилиб, Афғонистоннинг шимолий қисми сари юришни давом эттирган. Маълумки, толиблар мамлакатнинг ана шу қисмида бир ойдан озроқ муддат ичидаёқ тўртта вилоятни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Худди шу радиостанциянинг маълумотларига кўра, 11 август куни коалиция кучлари Мозори Шарифни ташлаб, чекинган манзил — Талукан шаҳри ҳам Толибон отрядлари томонидан эгаллаб олинган. Ҳозирда эса Мозори Шариф ва унинг атрофида толибларга қаршилик кўрсатаётган сўнгги кучларни бостириш бўйича қуролли ҳаракатлар давом этмоқда. Шаҳарда кеча-кундуз комендантлик соати жорий қилинган, шаҳар аҳлининг уйларидан чиқиши таъқиқлаб қўйилган.

Шунинг баробарида, Афғонистоннинг Россиядаги элчиси Абдул Ваҳоб Осифий сешанба кунги матбуот конференциясида Мозори Шариф учун жанглар ҳали ҳам давом этаётгани ва шимолий коалиция раҳбарияти ҳозирги пайтда шаҳарга ҳужум уюштиришга тайёрланаётгани ҳақида маълумот берди. Элчи ушбу маълумотлар ўзининг дала командирларидан бири билан бевосита телефон орқали суҳбатига асосланганини айтди.

Россиянинг "Новости" ахборот агентлиги хабарига кўра, ана шу матбуот конференцияси чоғида элчи Осифий толибларга қарши курашаётган шимолий иттифоқ етакчиларининг ихтиёрида мабодо "ташқи босқинга дучор бўлган мустақил давлат ҳуқуқлари"дан фойдаланиш зарурати туғилгудек бўлса, халқаро ҳамжамиятга сиёсий, маънавий ва инсонпарварлик ёрдами сўраб мурожаат қилиш имкониятлари мавжудлигини ҳам эслатган. Элчи, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, Европа мамлакатлари ва умуман, жаҳон ҳамжамияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелиги остида Афғонистондаги танг вазиятни сиёсий йўл билан барқарорлаштириш чора-тадбирларини кўришига умид билдирган.

Элчи Осифий "Эхо Москви" радиоси орқали чиқишида "Толибон ҳаракати — муайян тактикавий ва стратегик мақсадларни кўзда тутувчи ва узоқ муддатга мўлжалланган халқаро лойиҳа" эканини таъкидлайди. Элчининг фикрича, толиблар мафкураси "кенг миқёсдаги шафқатсиз террорчиликка асосланади" ва бу куч Марказий Осиё минтақаси учун жиддий хавф-хатар манбаи бўлиб қолиши мумкин. Элчи, шу муносабат билан Афғонистонда кенг миқёсдаги ваколат асосига эга бўлган ҳукумат тузиш зарурлиги ҳақидаги ғояни яна бир бор эслатиб ўтди.

Ҳарбий зўравонлик йўли билан ғалабани қўлга киритган тақдирда ҳам Толибон ҳаракати Афғонистоннинг шимолий ҳудудларида бутунлай ўз ҳукмронлигини ўрнатса олиши эҳтимолдан узоқ. Шимолий иттифоқ вакили Расул Толиб ана шундай фикрда. Толибларнинг бугунги муваффақиятларини биз вақтинчалик, деб қараймиз ва бу ҳол мамлакатда "намунавий-кўргазмали ислом давлати"ни ўрнатишга қарши янги курашнинг бошланажагидан далолатдир, дейди Р. Толиб Россиянинг "Новости" ахборот агентлигига берган интервьюсида.

Ҳозирга қадар толиблар томонидан Талукан шаҳри ишғол қилинганлиги ҳақидаги хабарни дунёнинг бошқа етакчи ахборот агентликлари — Ассошиэйтед пресс, Франс пресс, шунингдек, Би-Би-Си ҳам тасдиқлади. Айни пайтда, ана шу ахборот агентликлари Афғонистоннинг собиқ бош вазири Гулбиддин Ҳикматёрнинг ҳалокати тўғрисида Толибон томони зўр бериб тарқатаётган хабарларни инкор этмоқда. Ҳикматёрнинг куёви — Файрат Баҳирнинг Ассошиэйтед прессга интервьюсида айтилишича, "у соппа-соғ ва ҳар доимгидек серҳаракат". Гулбиддин Ҳикматёрнинг ўзи эса Эрон радиоси орқали сешанба кунги чиқишида ўзининг ўлими ҳақидаги уйдирмалар мухолифат жангчиларининг руҳиятини синдириш мақсадида тарқатилганлигини айтди.

Шу ҳафтада жаҳон ахборот агентликлари Россия ташқи ишлар вазирлигининг Афғонистондаги воқеалар муносабати билан берган баёнотига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Толиблар бошлаган фуқаролар урушининг янги, аммо янада қонли навбатдаги жабҳаси жаҳон жамоатчилиги томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгаши раиси жорий йилнинг 6 августида берган баёнотда белгиланган барча тезкор ҳамда қатъий чоралар кўрилишини тақозо этмоқда, дейилади мазкур баёнотда.

Қ. УМИДОВ

ХДП хабари

Байрам арафасида учрашувлар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг муқаддас байрамимиз — Мустақиллик айёми муносабати билан вилоятларда турли тадбирлар уюштириши одатга айланган.

Мамлакатимизнинг таниқли профессор ва олимларидан иборат ХДП Марказий Кенгаши тарғибот гуруҳининг Наманган вилоятида ўтқазган учрашувлари фавқулодда таъсирчан ҳамда самарали ўтди. Тўрақўрғон туман давлат идоралари, партия ва жамоатчилик фаоллари билан мулоқотда гуруҳ раҳбари, МК мафкуравий ишлар бўлими мудири, тарих фанлари номзоди, доцент Собиржон Қурбонов, филология фанлари доктори, профессор, фан арбоби Малик Муродов, А. Р. Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори, профессор Ориф Усмонов, Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-ўқув маркази доценти, фалсафа фанлари номзоди Султонмурод Мажидов, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Таҳлат Солиев маъруза қилдилар.

Маърузалар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат моҳияти, мустақиллик йилларида юз берган буюк, қадри юз йилликлларга етгулик ўзгаришлар ҳақида гапирдилар. Нотиқлар Миллий истиқлол мафкурасига, юртбошимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан мусоҳабада баён этган йўл-йўриқларга алоҳида тўхталдилар, маънавиятни юксалтириш, мафкуравий иш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Худди шундай мулоқотлар Чуст, Косонсой туманлари, Наманган шаҳри жамоатчилиги вакиллари билан ҳам ўтказилди. Уларда Тўрақўрғон, Чуст туманлари ҳокимлари Икромхон Нажмиддинов, Азамат Фаёзов, Наманган шаҳар ва Косонсой тумани ҳокимлари ўринбосарлари Нурбек Абдуллаев, Ҳамидулло Абдуллаевлар байрам арафасидаги жўшқин яратувчилик ўзгаришлари ҳақида сўзладилар. Гуруҳ аъзолари Наманган вилоятининг шаҳар ва қишлоқларидаги бунёдкорлик саъй-ҳаракатлари, амалга оширилаётган хайрли ишлар билан танишдилар. Тадбирларда ХДП вилоят кенгашининг котиблари Ҳабибулло Убайдуллаев ва Адҳамжон Мадмусаев қатнашдилар.

(Ўз мухбиримиз)

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК МУСТАҚИЛЛИК ВОҲАСИ — БУНЕДКОРЛИК ЙИЛЛАРИ



Ислом Каримов:

Тошкент вилояти — катта салоҳиятга эга бўлган, меҳнаткаш, билимдон, ишнинг кўзини биладиган, омилкор аҳолисининг маҳорати билан донг қозонган, доимо бошқаларга намуна бўлиб келган вилоятдир.

Янгийўл пахта тозалаш заводида

«SUNLIGHT» қўшма корхонаси мамлакатимиздаги янги соҳага йўл очди

Тўйтепадаги «АНА — ТЕКСТИЛЬ СО Лимитед» қўшма корхонасида



Бекобод металлургия комбинати маҳсулотидан намуна

Янгийўл ёғ-мой ҳиссадорлик жамиятида

Мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий харитасига кўз ташласангиз, ажабтовур ўзига хосликни илғаб оласиз. Ҳар бир вилоят, туман, шаҳар, қўрғон, ҳатто қишлоқнинг мамлакат маъмурий-ҳудудий тузилмасида ўз ўрни ва табиийки, ўз салоҳияти мавжуд. Тошкент вилояти шу маънода, энг аввало пойтахт вилояти мақомида шунга муносиб имкониятлар ва истиқболга эгадир. Вилоят Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадош.

Ватанимизнинг оқсоч тарихи саҳифаларида форс, юнон, араб, мўғул, босқинчилари отлари туёқлари, қиличлари зарблари, тўплари гумбурлаши садолари баробарида илғор дунёқарашлар, диний-аҳлоқий таълимотлар, анъаналар, иқтисодий, сиёсий тамойилларнинг излари ҳам қолган. Қизиқ бир ҳодиса бор Тошкент вилояти тарихида: аслида юртни талаш мақсадида келган босқинчилар бу вилоятни «аяғанлар», унинг ободончилиги учун зарур маблағларни «қизғанмаганлар», ўз-ўзидан равшанки, ота маконида истиқлол курашини ва бунёдкорлик ишларини бошлаган аждодларимиз ҳам Ватан ободлигини кўп ҳолларда айнан вилоятнинг у ёки бу маскани-дан бошлаганлар. Нега шундай?

Улуғ араб файласуфи, Буюк Темурнинг замондоши ва суҳбатдоши (1402 йил), башарият тарихини ҳаракатлантирувчи қудратли омил — асабия-пассионерлик, яъни цивилизация янгиланишига зўр бериб интилиш эвазига муайян халқда бошқалардан кўра кучли, қудратли ички ва ташқи имкониятлар зуҳур этиши назариясининг асосчиси, кейинчалик бутун дунёда жамиятшунослик ва сиёсатшунослик фанларининг отаси сифатида тан олинган Ибн Холдун (1336, Испания — 1406, Миср) етти иқлим назарияси нуқтаи назаридан Ер юзидаги минтақаларга ёндашар ва уларни тавсифлар экан, ҳозирги Ўзбекистонни асосан энг яхши ва мўътадил учинчи ва тўртинчи иқлимга мансуб деб топади.

Бутун Ўзбекистон ва айниқса Тошкент вилоятининг қовун-тарвуз ва мевалари дунёда энг ширин — тилёрар, деб юритилган. АҚШлик мутахассислар жаҳонда Ўзбекистон ва Калифорния штати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари энг мазали эканлигини изҳор этганлар. Бунинг сабаби сахий қуёш ўз нурларини шу икки диёрга бахшида этган. Улуғ алломa Ибн Холдун айни чоғда ҳозирги Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларининг шарқини, Жиззах вилояти жанубини, Самарқанд шаҳри теваракларини, Фарғона водийсининг тоғолди туманларини ва ниҳоят Тошкент вилоятини бутунлайича оралиқ, яъни барча иқлимларнинг хусусиятлари намоён бўладиган ғаройиб мухтор минтақалар сифатида изоҳлайди. Шунданми, араб халифаси ал-Мунтансир ўзининг Мовароуннаҳрдаги ноибларига Тошкент вилоятини янада обод қилишни топширган, ўша замонларда ниҳоятда катта маблағни — 2 миллион дирҳамни хазинадан ажратган бўлса, Россия империяси маъмурлари Тошкент вилоятини Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий, иқтисодий, маданий марказига айлантиради. Юртимиз истиқлоли туғини кўтарган Темурийлар сулоласи ҳукмдорлари ҳам Тошкент вилоятига алоҳида меҳр-муҳаббат ва эътибор билан муносабатда бўлишган: шаҳарлар бунёд этишган, ариқлар қаздиришган, хусусан, металлургия саноатини ривожлантиришган. Бизга аён-ноаён сабаблар орасида Тошкент вилоятининг нафақат «сувнинг бошида» эканлиги, қолаверса, табиатнинг ўзи белгиланган чегаралари бошқа минтақалардан оқиб келадиган дарёларга муҳтож эмаслиги аниқ-тиниқ балқиб туради. Дарвоқе, вилоят мамлакатимиз ташқарисидан келадиган сув манбаларига зарурат сезмайдиган ягона минтақадир. Иккинчи муҳим омил эса — вилоятнинг денгиз сатҳидан баландлиги миқдоридир. Қомусий алломa Абу Райҳон Беруний-нинг таърифлашича, Осиё қитъасининг ичкарисида сув манбалари ва денгиз сатҳидан баландлик омиллари табиий омиллар доирасидан чиқиб, ижтимоий, иқтисодий, маданий, ҳатто сиёсий аҳамият касб эта бошлайди. Бир сўз билан айтганда, XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг Ўзбекистон пойтахтига, минтақанинг эса пойтахт вилоятига айланиши шунчаки даврнинг сиёсий тақозосига бўйсинишгина эмас, ўша кезлардаги раҳбариятнинг ўзлари билган-билмаган ҳолда ўзбек халқининг асрлар давомида ягона пойтахт излаш эҳтиёжига, ўлканинг томири теран анъаналарига амал қилиши эди.

Тошкент — Вена, Женева, Прага, Дамашқ сингари денгизларга туташ бўлмаган тегишли мамлакатлар учун «муваффақиятли танланган» пойтахтлардан бири бўлиб, уни бағрига олган вилоят, инсоният қабул қилган тамойилга кўра, икки катта минтақани шакллантиради, яъни вилоят ва пойтахт. Мамлакат юраги саналмиш пойтахтда ишланадиган иқтисодий, ижтимоий сиёсат энг аввало пойтахт вилоятида ўз аксини топа бошлайди, шу жумладан истиқлол давридаги иқтисодий ислоҳотлар ва ўзгаришлар ҳам.

Истиқлол даври — 1991 — 1998 йиллар давомида Тошкент вилоятида амалга оширилган ва яқин истиқболда рўёбга чиқажак ишларни далиллар ва рақамлар воситасида тавсифлаш ва таснифлашга интилдик.

Истиқлол биносига бир ғишт қўёлсак...

Ҳамкорлик меваси

Олмаликдаги «Альбо» Ўзбекистон — Болгария қўшма корхонасининг Тошкентдаги «Технолог» ва агрегат заводи, Чирчиқдаги ва қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Бу ерда тайёрланаётган тиш пасталарини чиройли пластмасса идишларда қадоқлашнинг йўлга қўйилиши бунга мисол бўла олади.

Айни пайтда қўшма корхонада бозор талабидан келиб чиқиб, уч хилдаги болалар ва катталар тиш пастаси, соқол олиш креми ишлаб чиқарилаётир. Йилнинг ўтган даври мобайнида истеъмолчиларга салкам 50 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Яқин ойларда олмаликликлар қўл креми, турли шампунлар ишлаб чиқариш ниятидалар.

МДҲда ягона

Ангренда яна бир Ўзбекистон — Олмония қўшма корхонаси — «Каолин» корхонасини бунёд этиш ишлари жадал бормоқда. У мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ягона ҳисобланади. Корхона фойдаланишга топширилгач чинни саноати учун муҳим хомашё ҳисобланган каолинни хориждан олиб келишга чек қўйилади.

«Скет» кафолатлайди

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати жамоаси ўзи ишлаб чиқараётган электр чироқларини республикамиз ички бозорига чиқариш баробарида кўплаб экспорт ҳам қилмоқда.

Электр ёритгичларнинг яқинда ўзлаштирилишига қарамай, сифати жаҳон мезонлари даражасида бўляпти. Шунинг учун ҳам ҳозиргача бирортасининг ҳам сифати ҳақида норозилик мактублари тушмади. Бу истеъмол буюмига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Маҳсулот сифати ҳар бир босқичда қаттиқ ва синчковлик билан назорат қилинмоқда. Бунинг учун «Скет» — немис фирмасида тайёрланган мураккаб қурилмадан фойдаланилмоқда. У электр чироқларнинг ҳар бирида жиндек нуқсон бўлса ҳам ўтказмай, қайта ишлашга жўнатади.

«Холдербанк» мадади

«Оҳангаронцемент» комбинатининг халқаро алоқалари кенгайиб боряпти. Цемент ишлаб чиқариш бўйича Оврупо қитъасида етакчилик қилаётган ва дунёдаги 50 дан ортиқ мамлакатларда иш юритаётган Швейцариядаги «Холдербанк» компанияси Ўзбекистонлик ҳамкасбларига қизиқиб қолди.

У оҳангаронликларнинг берган ваъдасини уддасидан чиқишига ишонч ҳосил қилиб, ўтказилган тендер асосида комбинатнинг 24 фоиз акциясини сотиб олди. Эндиликда «Холдербанк» раҳбарияти комбинат ишлаб чиқаришига 20 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлашни режалаштирмоқда.

Яратиш эди Бобур орзуси...

Қибрайдаги «ТОШДЭТСҚУРИЛИШ» бошқармаси жамоаси мустақиллигимизнинг етти йиллигига муносиб армуғон тайёрлади. Пойтахтимиздаги Бобур истироҳат боғини қайта таъмирлаш ишларида жонбозлик кўрсатаётиб, қурилиш фидойилари замонавий фонтан, клублар мажмуаси, аттракционлар қуриб беришди. У фойдаланишга топширилиш арафасида бўлса, пойтахтимиздаги барча турдаги қозонхоналар, иссиқлик манбалари, муҳим аҳамиятга молик бир неча улкан бинолар жамоа аъзоларининг беминнат хизматларидир.

«Ижодкор» хусусий ғишт ишлаб чиқариш корхонасида

Саноати

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

«Ўзбекистон металлургия комбинати» ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида 1991 йилда қуввати 10 минг тонналик қувурлар, 1994 йилнинг II ярим йиллигида қуввати 100 минг тоннага тенг бўлган «шаропрокатстани» ишга туширилди. Шу йили 17,7 минг тонна металл шарлари ишлаб чиқарилди. Бу металл шарлар тоғ-металлургия ва қурилиш материаллари саноатида маъданларни майдалашда ишлатилмоқда. Чунончи, Олмалиқ конметаллургия комбинати аввалари металл шарларини Россиядан олиб келарди. Эндиликда республикамизнинг оғир саноати металл шарлари билан етарли даражада таъминланмоқда.

«ОҲАНГАРОНШИФЕР» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятида 1993 йили асбестоцемент қувурлари ишлаб чиқарувчи қурилма силлиқ шифер ишлаб чиқарувчи технологик линияга мослаштирилди. Қурилманинг ишлаб чиқариш қуввати 60 миллион шартли плитани ташкил қилди. Жами шифер ишлаб чиқариш қуввати 241,7 миллион шартли плитага тенглашди.

ЯНГИ АНГРЕН ГРЭСИ

1991 йили Янги Ангрен ГРЭСида 300 минг кВт-соатга эга бўлган янги 6-энергоблок, 1994 йилнинг охирида 300 минг кВт-соатга эга бўлган янги 7-энергоблок ишга туширилди ва ГРЭСнинг умумий қуввати 2100 кВт-соатга етказилди.

ЧИРЧИҚ ТРАНСФОРМАТОР ЗАВОДИ

Чирчиқ трансформатор заводида катта қувватга эга бўлган ва асосан Ҳамдўстлик давлатларига юбориладиган трансформаторлар ўрнига кичик ва ўрта қувватли трансформаторлар ишлаб чиқарила бошланди. Бундан ташқари иш жараёни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мослаштирилди.

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида мис бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш ишлари ҳукумат қарорига биноан олиб борилмоқда. Қалмоққир, Саричека конларида иш жараёни анча яхшиланди. Комбинат ҳукумат ёрдамида техникавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан етарли таъминланди. Ёрдамчи эмаль симлар тайёрлаш цехи ишга туширилди.

Вилоят ҳақида бир шингил

Тошкент вилояти республиканинг шимоли-шарқида жойлашган. Майдони 15,3 минг кв.км. Вилоятда 15 туман, 15 та шаҳар, 17 та шаҳар қўрғони ва 146 та қишлоқ фуқаролари йиғинлари мавжуд. Маъмурий маркази — Тошкент шаҳри.

АҲОЛИСИ 2 миллион 302 минг 400 кишини ташкил этиб, республикада учинчи ўринда туради, зичлиги жиҳатидан ҳар бир кв.кмга 150,5 киши тўғри келади.

Йирик шаҳарлари Ангрен, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ, Оҳангарон ва Янгийўлдир.

ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР. Вилоятда иккита олий, 24 та ўрта махсус билим юрти малакали кадрлар етиштириб бермоқда. 891 та мактабда 483 мингга яқин ўқувчи таълим олади. Шу жумладан, 119 та бошланғич таълим мактаби, 169 та 9 йиллик мактаб, 691 та ўрта мактаб мавжуд.

Вилоятнинг 121 та шифохонаси, 276 та амбулатория — поликлиникалар, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, амбулаториялар ва участка шифохоналари, 35 та марказий, туман ва шаҳар поликлиникалари фаолият кўрсатмоқда. Бошқа турдаги поликлиникалар, жумладан диспансерларда 44 та поликлиникалар, 342 та фельдшер акушерлик пунктлари, 19 та амбулатория жарроҳлик марказлари мавжуд.

Вилоят ҳудудида 4 та санаторий, 3 та дам олиш уйи ва пансионат, «Тошкент минерал суви» ва «Қибрай» курортлари жойлашган.

Камол ота: «Энди армоним қолмади»

Одамзоднинг табиати қизиқ. Кўпинча у ўзини камтар, ҳокисор, жўн ҳисоблайди. Лекин, унинг қалбига қўл солиб кўрсангиз борми, ўзга бир оламга саёҳат қилгандай бўласиз...

Камол ота Расулов ҳам ана шундай одамлар сирасига киради. Саксон ёшни қоралаб қолган ота, айтиш мумкинки, уч замоннинг мардуми бўлган. Оқ подшоҳ замонидаги ҳангомаларни ҳам кўп эшитган. Шўролар даври «кароматлари»нинг гувоҳи бўлди. Бир неча йил бўлдики, унинг «тили чиқиб қолди». Ҳамма нарса қиёслаганда ойдинлашади, деганларидек, Камол ота сўнгги пайтларда кўп ўй суради. Кўзлари ёниб, истиқлол ҳақида булбул бўлиб сайраб кетади.

— Муҳориба йилларидаги чеккан азобларимиз ҳеч кимнинг бошига тушмасин, — дейди отахон хазин овозда, — мени ва менга ўхшаган йигитларимизни қулдай сотганликлари ҳамон юрагимни эзади. Жанггоҳга жўнаш арафасида саралаш жойига келиб, бизларни «сотиб олишарди». Юлдуз таққан қўмондонларни «покупатель» деб аташаркан. Шу тариқа мен ҳам 150-артиллерия полкида радист-алоқачи сифатида хизмат қила бошладим. Сталинград жангида яраландим. Шифолангач яна бизларни «сотиб олиб» кетишди. 1947 йилда оилам бағрига қайтиб келдим.

Шундан сўнг жамоа хўжалигида ферма мудири, сабзавотчилик бригадаси бошлиғи сифатида ишладим. Буни қарангки, уруш йилларида нене ўзбек йигитлари жон олиб, жон берса ҳам, ҳеч ким уларга миннатдорчилик билдирмас эди. Аксинча, сўкиш, таҳқирлаш сўзларини эшитардик. Далада ишлаган пайтларимизда эса, «бўзчи белбоққа ёлчимайди», деганларидек, ўзимиз тонна-тонна маҳсулот етиштирсак ҳам хонадонимизда помидорга ҳам, бодрингга ҳам карамга ҳам, ҳатто, пиёзга ҳам ёлчимас эдик. Чунки, ҳаммасини йиғиштириб Московга жўнатишарди.

Отахоннинг бир «хоббиси» вилоятма-вилоят, туманма-туман, шаҳарма-шаҳар юришни яхши кўрадилар. Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро сафарлари унинг кўнглига ёқди. Яқинда Тошкент вилоятидаги Зангиота, Оққўрғон, Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманларида, Чирчиқ шаҳрида бўлди. Унинг саёҳатдан мақсади янги қурилган иншоотларни кўриш, бунёд этилган нодир обидалардан завқланиш.

— Гапирган билан тасаввур ёрқин бўлмайди, — дейди отахон кўкрагини ғоз кўтариб, — Мени қойил қолдирган нарса қурилишлар кўлами бўлди. Бизнинг Бўстонлиқ туманида қад кўтарган улкан иншоотлар ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди. Қўшма корхоналарни қўяверайлик. Етти йил ичида юртимиз шунчалар қиёфа кашф этганлигини кўриб, ёпирай, Ўзбекистон деб аталмиш она-Ватанимиз яшнайдиган кунлар ҳам келар экан-ку, деб дўппини осмонга отиб юборгим келди. Мустақилликка эришганимиздан кейинги ўтган етти йил ичида қилинган ишлар асрларга татигулик бўляпти, десам, маҳобатга йўйманг. Аслида ҳам шундай.

... «Паргос» жамоа хўжалигида балоғатга етган паҳлавон ўғиллар, «бир этак» набиралар қуршовида ўтирган Ўрозгул ая ҳам Камол отанинг сўзларини табассум билан маъқуллайдилар.

— Энди армоним қолмади, — деди ниҳоят узоқ-узоқларга тикилиб Камол ота Расулов. — Чунки азиз Ватаним кўз ўнгимда яшармоқда. Мен унинг қанотдор бир фуқаросиман!..

Оққа кўчирувчи:
Раҳимберди УМАРОВ

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

ЧИРЧИҚДАГИ ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар ишлаб чиқариш комбинатида асосий маҳсулотлардан ташқари, 1993 йилда электроёритгич ишлаб чиқарувчи бир линия ишга туширилган бўлса, 1996 йили қўшимча қувватга эга бўлган 5 та қурилма ишга туширилди.

«ЧОСОН-СИКРЕКИСУЛ»

Чирчиқдаги Корея билан ҳамкорликдаги «Чосон-Сикрекисул» қўшма корхонаси 1992 йил 28 майда рўйхатга олинган. Таъсисчилари Ўзбекистондан «Рассвет» ижара-аграр ишлаб чиқариш бирлашмаси, Корея томонидан эса индустриал-техника бирлашмасидир.

Корхона соя ёғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот импорт ўрнини эгаллашга мўлжалланган бўлиб, ички бозорда сотилмоқда.

«ФАРҲОД – ОБИҲАЁТ»

Вилоятда ташкил топган чех-ўзбек «Фарҳод — Обиҳаёт» қўшма корхонаси 1991 йилнинг 10 декабрида рўйхатдан ўтди.

Ушбу қўшма корхонанинг таъсисчилари: Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Обиҳаёт» қурилиш-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чехия томонидан «Сигма Нове Замки» фирмасидир.

Ушбу қўшма корхонани ташкил қилишдан мақсад Ўзбекистон иқтисодиётига янги илғор технологияни жорий этиш, ер остидан сув тортиб оладиган артезиан насослар ишлаб чиқариш ва ички бозорни халқ истеъмоли моллари билан тўлдиришдир.

«ФАР-ИТАЛ»

Зангиота туманидаги «Фар-Итал» қўшма корхонаси Россия ва Италия билан ҳамкорликда тузилган бўлиб, унинг таъсисчилари Ўзбекистондан «Фаровон» фирмаси, Италиядан «Компани СВА Италия» фирмасидир.

Ҳозирги вақтда таъсисчилар қаторига Россиянинг «Взгляд» компанияси ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳам кирди.

Корхонанинг ташкил этилишидан мақсад юқори сифатли вино ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ички бозорда сотилиб, шу билан бирга Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда.

«МЕДИЗ»

«Медиз» заводи 1990 йил сентябрида ҳиссадорлик корхонаси мақомида рўйхатга олинди. 1991 йил октябрида эса ўз фаолиятини бошлади.

«Медиз» корхонаси бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Келажакда ишлаб чиқариш майдонларида бир марта ишлатиладиган қуйиш системалари сонини 1 йилда 10 миллионга етказиш имкониятлари мавжуд.

Дилшод Мансуров Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги Келес шаҳридан . У 35-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Шу йил Халқаро ўсмирлар ўйинларида қатнашиб, эркин кураш бўйича олтин медални қўлга киритди,

Суратда: Дилшод Мансуров

Тошкент туманининг 35- мактаб ўқувчилари (тўгарак раҳбари Юрий Алексеевич Петухов) шу йил июнь ойида Бўстонлиқ туманининг Қоронкўл қишлоғида республика ўсмирлари ўртасида бўлиб ўтган «Ёш тоғ саёҳатчилари» мусобақасида 7 тур ўйини бўйича беллашиб, республика ғолиби бўлишди.

Суратда: ёш тоғ саёҳатчилари



Хориж сармояси — иқтисодиёт баракаси

Вилоят бўйича ташқи савдо обороти 1997 йилда 684,9 миллион АҚШ долларини, шу жумладан, экспорт 371,8 миллион АҚШ долларини ва импорт 313 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди. Шундай қилиб, ташқи иқтисодий фаолиятда фаол ташқи савдо мувозанатига эришилди. Ўтган йили экспортга етказиб берилган маҳсулот жами ҳажмидан 98,7 фоиз маҳсулот, хомашё ва материаллар яқин хорижий мамлакатларга экспорт қилинди.

Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари сони 33 тага кўпайди. Чет эл инвестициялари иштирокида ишлаётган қўшма корхоналар сони 133 тага етди, уларнинг 46 таси вилоят шаҳарларида ва 87 таси қишлоқ туманларида жойлашган.

Тошкент вилоятида саноат корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўли билан қайта қуриш қўлами кенгаймоқда. Чунончи, Швейцария компанияси «Оҳангаронцемент» акцияларининг 24 фоизини сотиб олди. Контракт пули 2,0 миллион АҚШ долларига тенгдир. Бу компания Овруподa бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи йирик компанияларнинг бири ҳисобланади. Швейцарияликлар Оҳангарон цемент заводини қайта ускуналашга 20,0 миллион АҚШ долларини қўйишни мўлжаллашаяпти. Оҳангаронда оҳак қазиб чиқаришни инвестициялаш бўйича Олмониянинг Холдинг банки билан ниятлар баённомаси имзоланди. Биринчи босқичдаги инвестиция 12,0 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Маблағлар конларда ишлатиш учун бульдозерлар, юк ортгичлар, экскаваторлар, кўп юк кўтарадиган транспорт воситалари сотиб олишга сарфланади. Қопга солинган цементнинг катта туркумини Туркманистон, Тожикистон, Озарбойжонга етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилди. Ҳозирги вақтда маҳсулот экспорт қилинмоқда. Оҳангарон цемент заводи лойиҳасида яна 3,0 миллион АҚШ долларилик цементни экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш назарда тутилган.

Хитой томонидан Тошкент — Ченду — Тошкент йўналиши бўйича янги доимий чартер авиарейси очилди, саёҳатчи гуруҳларни ўзаро юбориб туриш бўйича қатор ҳужжатлар имзоланди.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари вилоятда Тошкент (Россия, Украина, Белорусь, Қозоғистон) валютасига товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ва импортининг тахминий лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Вилоят халқ хўжалигининг турли соҳаларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш, етакчи капиталистик мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Исроил, Олмония, шунингдек, ХХР ва МДҲ мамлакатларининг фирмалари ва компаниялари маҳаллий хомашё ресурслари базасида қўшма корхоналар барпо этишга кенг жалб қилинмоқда.

«Лимончилик» ширкатида



Пири-комил бобомиз Зангиота мақбараси истиқлол туфайли қайта таъмирланди

Замонавий савдо иншоотлари ҳамиша инсонлар хизматида



Қамчиқ довонида

Бўстонлиқ — гўзал гўша



Олмалиқ мис бойитиш фабрикасида

Мустаҳкам техника — деҳқонга мададкор

Асл наслчилик тикланмоқда

«Қизил шалола» тажриба хўжалиги Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган бўлиб, илгаридан республикамизда наслдор моллар етиштирувчи хўжаликлардан бири ҳисобланади.

Хўжаликда асосан қора ола ҳамда Бушуев (човкар) зотли моллар урчитилади. Курканинг Ўзбекистон бронзч зоти ҳам урчитилади.

Хўжаликда ҳозирги кунда 1450 бош қорамол бўлиб, шундан 470 боши сигирлардир.

«Қизил шалола»нинг аввалги мавқеини тиклашга қаратилган биринчи пойқадамлар қўйилди.

Жумладан, кўп йиллар мобайнида ўзлаштирилган сунъий уруғлантириш ишлари тўлиқ амалга оширилмоқда. Бу ишларни олий маълумотли зоотехниклар П. Монастирев ва З. Имомқуловлар амалга ошириб ўз ишларига илмий асосда ёндошмоқдалар.

Молларни танлаш, саралаш, наслчилик ишлари селекционер зоотехниклар В. Тунянц, Г. Рисбаева зиммасида.

Келажакда қайси молдан қандай ва қанча миқдорда маҳсулот олиш ва қайси молнинг зотини кўпайтириш, қандай парвариш қилиш алоҳида китобларда қайд этилмоқда.

Мавжуд 470 бош сигирнинг 80 фоизи элита моллари ташкил қилади.

25 фоиз сигирдан келгусида наслдор буқалар олинади. Улар «Голштино-фриз» зотига мансуб «Мода», «Вопман» лақабли буқалар уруғи билан уруғлантирилмоқда.

Хўжаликда ҳозирги кунда 35 бош элита-рекорд буқалар парвариш этилмоқда.

Яқинда шу хўжаликда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан чорвачиликда наслчилик ишларини юргизиш бўйича республика миқёсида семинар бўлиб, муҳим тадбирлар белгиланди.

Велосипед чиқа бошлади

«SUNLIGHT»— биринчи қалдирғоч, унинг маҳсулотлари — йилига 200 мингдан ортиқ бўлади, дунёнинг барча бурчакларига тарқалади. Хитойлик ҳамкорларимиз бундай анъанавий маҳсулот ишлаб чиқаришда жуда катта тажрибага эгалиги унинг юқори сифатига кафолат беради.

Корхона таъсисчилари — вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси ва Юқори Чирчиқ тумани матлубот ҳиссадорлик жамияти ҳамда масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Далянь — сангу» саноат - савдо компанияси номидан бошқарув раиси Вэй Ца Юнь, Хитой Халқ Республикаси фуқароси Хуан Дэ Чинлардир.

Қўшма корхонада ҳозирча кунига ўн уч турдаги 300 та велосипед тайёрланмоқда.

Бу маҳсулотлар Марказий Осиёга ва бошқа мамлакатларга жўнатилади.

« SUNLIGHT » яна турли шаклдаги ногиронлар аравачаларини ҳам ишлаб чиқаради.

«Болалаётган» қарзлар

Маълумки, бир пайтлар Тошкент туманининг «Тошкент» жамоа хўжалиги вилоятнинг яловбардор хўжаликларидан саналарди. Бугунги кунга келиб ана шундай машҳур хўжалик қолоқлик ботқоғига ботиб бормоқда. Энг ачинарлиси, узоқ йиллар мобайнида деҳқончилик соҳасида тўпланган тажрибалар бой берилмоқда. Тўғри, ўтган йили хўжалик деҳқонлари ғалла, сабзавот экинларидан юқори ҳосил кўтаришди. Йилни қарийб уч ярим миллион сўм соф фойда билан якунлади. Бироқ, мингдан зиёд оиланинг қозони шу ерда қайнайдиган хўжаликка бу фойда туяга чўмичда сув беришдек гап. Бунинг устига олинган фойданинг ҳам асосий қисми ғалла уруғи сотиб олиш, бюджет тўловлари ва бошқа қарзлардан қутулиш учун тўлаб юборилди. Масаланинг яна бир ачинарли томони шундаки, хўжалик раҳбарлари етиштирилаётган ҳосилдан бу йил қарийб етти ярим миллион сўм соф фойда олишни режалаштиряпти. Бу яхши, албатта. Аммо, хўжалик бугунги кунда бир миллион 134 минг ўз ишчиларидан, 666 минг сўм эса бюджетдан, 208 минг сўм эса Ўзкартошка фирмасидан, ПҚДан эса 947 минг сўм ва 1997 йил ҳисобига пенсия фондларидан қарийб бир миллион сўм атрофида қарз бўлиб турибди. Айниқса, бюджет ва пенсия фондларига ўз вақтида тўланмаган қарзлар эса кун, ой сайин болалаб бормоқда. Агар йил якунига қадар аҳвол шу алфозда давом этаверса, деҳқонларнинг йил давомида пешона тери билан топган маблағлари яна қарзларга сарфланаверади. Ўз навбатида эса «Тошкент» жамоа хўжалигидан Янги Тошкент, Янгийўл консерва корхоналари ва бошқа бир нечта хўжаликлар тўрт миллион сўм атрофида қарз бўлиб қолган. Бу қарзларнинг берилганига ҳам қарийб бир йил бўлаётганига қарамасдан хўжалик раҳбарлари уларни тезроқ ундириб олиш тўғрисида бош қотиришаётганга ўхшамайди. Акс ҳолда хўжалик маъмурияти ҳам ўзгаларни қарздор қилиб қўймасди.

Қўш саҳифа материалларини Соҳибжон САЛИМОВ ва Ҳамид ИКРОМОВ тайёрлашди.

Суратларни В. МОЛГАЧЕВ, Ш. АКРАМОВ, Д. АҲМАД олган

Навбат— Сурхондарё вилоятига.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 13 avgust, payhanba № 95 (22.332).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Не-не баҳодирларнинг елкасини ерга теккизган афсонавий Алпомиш, забардаст Фарҳод ҳақидаги ривояту достонлар шунчаки афсона эмас, халқ руҳининг, халқ мардлигининг тимсолидир.

Ислом КАРИМОВ

Орият

Иккинчи мақола

8. Қиз олиш — бошқа, қиз бериш — бошқа

Яшириб нима қилдик: ўзбекнинг бошқадан қиз олиш ақидалари билан ўзга қавмга қиз бериш тушунчалари кескин фарқ қилади.

Бу қоидаларни сиз ё биз ўйлаб чиқарганимиз йўқ. Бу — халқ. Унга ўргатолмайсиз. Ундан ўрганилади.

«Алпомиш»да шунга алоқадор бир нозик нуқта бор. Уни биров сезади, биров — йўқ.

Қоражон Қалмоқ алпларидан эди. Қалмоқлар, биласиз, Алпомишнинг душмани эди. Бироқ Аллоҳнинг иродаси билан Қоражон бир тонг туш кўради, тушида чилтан Алпомишни унга дўст қилади. Қалмоқлар мусулмон эмас эди, лекин ўша саҳар намоз маҳали Қоражон ўрнидан калима айтиб туради... Охири Қоражон Алпомиш билан дўст киришиб, унга кўп яхшиликлар қилади.

Алпомишнинг Қалдирғоч ойим деган суқсурдек синглиси бор эди. Ишқ савдолари-ю муҳаббат можароларига ўч қилиб ташланган китобхон ўйлайдики, бора-бора Алпомиш синглисини шу Қоражон дўстига берса керак. Аммо асло ундай эмас.

Энг оғир дамларда Алпомиш Тойчи вилояти, Қалмоқ музофоти, Чилбир чўлида, Муродтепа деган жойнинг ёнидаги зиндонда етти йил ётган кезлари Қалдирғоч акасидек билиб:

Сен ҳам менинг акамсан-ку меҳрибон, —

дея Қоражоннинг ёнига боради, ундан:

Жоним ака, яхши хизмат қилсанг-чи,

Кашал элга сен ҳам бориб келсанг-чи?! —

деб илтимос қилади. Қоражон ҳам Қалдирғочни худди туғишган синглисидек кўради?

Мени сен ўзингга ҳамдам билгансан,

Қадимгидай акам деб ҳам келгансан...

Чунки...

Қоражон — қалмоқ. Ўзбек қизнинг қалмоқ йигитга тегиб кетавериши шунчаки гап эмас. Халқ учун бу ҳам бир ОРИЯТ!

Шоирлар буни яхши билади.

«Алпомиш»да халқ халқлигича намоён бўлади.

9. Ултонтозга қандай берай энамни?!

«Алпомиш»ни бетаъсир, ҳис-туйғуга тўлиб-тошмасдан, баъзан этларингиз жунжикмасдан ўқиш мумкин эмас. Мана, масалан, Алпомиш етти йиллик бандиликдан қутулиб, юртига келди. Отнинг ўлими-итнинг байрами, дегандай, бу ёқда Ултонтоз Барчинга уйланиш тараддудига тушган. Ўттиз кундан бери эл-юртга тўй бериб ётибди.

Алпомиш Қултой бобонинг кийимларини кийиб, унга ўхшаб, Бойчиборни миниб, тўйга кириб борди. Кўпкари бўлиб турибди. Ултонтоз, Барчиной учун бахмал ўтов тиклатган. Ҳар ким улоқни олиб бориб Барчинойнинг бахмал ўтовига ташлаб келади. «Қултой» кўпкарига кирди, кўп улоқни у олди. Ҳар гал улоқни ташлаб қайтганда Барчиной Бойчиборни таниб, кўнгли бу чавандоз Қултой эмас, Алпомиш эканини сезди. Чунки, ахир, шоир айтганидай:

Тўқайда йўлбарснинг изи белгидир!

Шунда Барчиной ўғли — Ёдгорга буни билдиргиси келади:

Хазон бўлса, боғда гуллар сўлгандир,

Бу ўчган чироғим ёниб қолгандир,

Мен билувда душман қуллар ўлгандир,

Болам, элга қайсар отанг келгандир,

Отанг келиб, оти мунда юрганди,

Ҳозир ўзин билдирмайин тургандир.

Ёдгор ҳам — Алпомишнинг ўғли. Унда ҳам отадаги **ОРИЯТ** бор. Отасининг келганини билиб, бунинг рост-ёлғонини синамоқчи бўлди: «Бу қулларнинг бир жонига тегай, агар отам келгани рост бўлса, у мени қуллар дастидан қутқариб олар, ёлғон бўлса, бундай хўрликларни кўриб юргандан ўлган яхши!» Шундай қилиб, у бир қийшиқ таёқни олиб, қулларнинг кўпкарига ташлаб ётган саркаларини қувлаб кетди.

Шунда ота-бола ўртасида таъсирли-таъсирли саволжавоблар бўлиб ўтди. Ўғли шунча қилса ҳам, Алпомиш унга ўзини танитмади: «Қултой бобонгман», — деди. Баҳонада ўғил «Қултой бобо»синининг ОРИЯТини синашга тушди:

Ултонтоз, дер, билмаганим билдирди,

Ҳанжар урмай бағрим қона тўлдирди.

...Асли ўзим добонбойлик тўраман,

Гул энамни қандай бунга бераман?!

Гул энамни Ултонтозга берганча сўнг,

Не бет билан Қўнғирот элда юраман?!

Солма юрагима доғу аламни,

Хафа қилма, бобо, мендай болангни,

Ултонтозга қандай берай энамни?!

Ёшгина боланинг айнан нимадан бунча азоб чекаётганини биляпсизми?

Энди инсоф билан айтинг: бундай орият яна қайси элда бор?

Халқ бундай юксак маънавий ва чин инсоний туйғуларини минг-минг йиллар қадрлаб келаётибди. Достон бунга далил.

10. Синовга — синов

Ота ҳам айёр, ўғлини баттар синагиси келади:

Шул энангни Ултонтозга бермасанг,

Билгин, болам, қийнов билан ўласан.

Ёдгорнинг эса фикри ўта қатъий:

Гул энамни Ултонтозга берганча,

Ултонтознинг қийновида ўлайин(!).

...Ўлдирмаса, мен бермайман энамни,

Бошим кесиб, дорга тортсин танамни!

Орият фақат бекда, унинг бекасида, бекзодадагина эмас, Алпомишнинг онасида ҳам ниҳоятда кучли. Кунтуғмиш янганинг Қултой суратида келган Алпомишга айтиб турган гапига, бу сўзлар мағзидаги ғурурга эътибор қилайлик:

Бойбўридан шундай давлат қайтарми,

Ёлғиз болам бедарак бўп кетарми,

Бунда юрти вайрон бўлиб ётарми,

Барчин келин қулга тегиб кетарми,

Не катталар қонлар ютиб ётарми?!

Давлатидан адрас-кимхо киймасин,

Давлати деб Ултонтозни суймасин,

Қариганда бий бобосин йиғлатиб,

Барчин келин Ултонтозга тиймасин (!).

Кунтуғмиш янга наздида ҳам Барчин келиннинг Ултонтозга тегиши ориятнинг ўлиши эди-да.

11. Алам

Албатта, беш қўл баробар эмас. Барчинойнинг олдига: «Ултонтозга тег», — деб келган сотқинлар ҳам кам эмас эди. Уларга Барчинойнинг жавоби тайин:

Ким сизларни ахмоқ қилди,

Қўлидан келганин қилсин.

Хоҳламайман ундай қулди,

Эл-халқ, сизга не бўлди?!

Ёдгорнинг ориятига кўп теккан нарса шу эдики, у отасини бедарак кетиб, давлат қуллар қўлига ўтгач, кўп сиғинди бўлиб қолган, ўз юртида эркидан маҳрум бўлгани эди. Шунинг учун Қултой бобо суратидаги отаси унга тўйхонада илик берганига қувониб, онасига хурсандчилигини шундай изҳор қилади:

Энажон, қулоқ сол айтган тилима,

Балки эркин бўлдим Қўнғирот элима.

«Қултой бобом» илик берди қўлима,

Ул сабабдан кулиб келдим олдинга.

Ёдгор куни Ултонтоздек қулга қолганида ор қилади. Отасининг ёйини келтиришга уни уриб-уриб олиб бораётганларида онасининг гапидан далда олиб:

Ўлмасам, мен камолимга келарман,

Отамнинг тахтига бир кун минарман.

Бирин-бирин баринг дорга иларман,

Шундай кунда қасосимни оларман,

дейди алам билан. Асарда Ёдгорнинг ёши улғайгани сари орияти даражаси ҳам кучайиб, баландлаб боравераді. Аммаси —Қалдирғочнинг аламли-ҳасратли сўзларидан таъсирланиб, онасига қараб, жумладан, шу сўзларни айтадики, бу нидо замирида олам-олам алам ётибди:

Шу аммамдан хабар олсанг, бўлмайми?

Ўлим кетган бек отамнинг арвоҳин,

Жоним энам, ҳурмат қилсанг, бўлмайми,

Чироғинг кўкларга урсанг, бўлмайми,

Биринг ўлсанг, баринг ўлсанг, бўлмайми?

Ёдгор-ку — Ёдгор, Қалдирғоч ойим янгасининг «тўй»ига келиб, зор-зор йиғлаб, сиғиндилигини эслаб, акаси — юрт эгаси йўқлигидан ўкинади:

Биздан даврон ўтди, биз ҳам кўрганмиз,

Жойимизда биз сиғинди бўлганмиз...

Бу унга алам қилади.

Ўлим аламдан яхшироқ.

Қалдирғоч ойимнинг тушунчаси, ОРИЯТли халқ ақидаси шундай.

12.Пешвоз чиқ, Алпомиш келди!

Ҳаёт бирдай кетиши мумкин эмас. Ҳар қандай зулм, ҳар қандай истибдоднинг ҳам битар куни бор. «Алпомиш»да ҳам шу акс этган.

Барчиной билан Ултонтознинг «тўй»ига Бодом бикач ўлан айтгани келади. Қултой бобо қиёфасидаги Алпомиш бу янга билан ўлан айтишга тушиб кетади. Вазиятдан фойдаланиб, Алпомиш Барчинойни гап билан чимдиб-чимдиб олади:

Ой Барчиним, ёр-ёр,

Гул Барчиним, ёр-ёр,

Аҳлинг бўлса, ўйла-да,

Бил, Барчиним, ёр-ёр,

Ултонтозга текканча,

Ўл, Барчиним, ёр-ёр!

Шоир асарнинг бошидан охиригача ориятва қаҳрамонларининг унга муносабатини зимдан ёритиб келди. Охирида — Алпомиш сохта кийимларини ечиб ташлаб, элига ўзини ошкор қилиб, танитганидан кейин ўзи ҳам қувониб кетди ва шунда ҳам ОРИЯТ масаласини яна эсга олди:

Кетмасин бекларнинг номусман ори!

Алпомиш Қалмоқ юртида қолган Бойсарига ҳам одам юбориб, уни қайтариб олиб келди. Бойсари ҳам илгариги гина-қудратларни унутиб, Қалмоқ юртида изза бўлганларини эслаб, Барчиной қизи билан йиғлаб кўришди.

Алпомишнинг она-Ватанига келиб, мамлакатини Ултонтоз зулмидан қутқариши худди юртимизга мустақиллик нафаси етган кунларни эслатади.

Бундай кун ҳар қандай халқ учун энг улуғ, энг азиз байрам!

Алпомиш Қултой бобога: «Энди халойиққа менинг келганимни очиқ айтинг», — деганидан сўнг чол завқу шавқ билан элнинг болаларига:

Чувулла, Алпомиш келди! —

деб, «отилмаган хурма тўплар»га эса:

Отил, ҳа, Алпомиш келди! —

деб, Алпомиш йўғида етти йил даврон сурган қулларга:

Қоч энди, Алпомиш келди!

ёки:

Ўл энди, Алпомиш келди! —

деб, Бойбўрига, Қўнғирот элига, Алпомишнинг синглиси — Қалдирғоч ойимга, унинг онасига, ўғли — Ёдгорга, Барчинойга қарата эса қайта-қайта (саккиз марта):

Пешов чиқ, Алпомиш келди!

деб баралла айтади.

Халқ султони келиб, қанча ғаму кулфатдан озод бўлади, ўзбек юртида яна қайтадан давру даврон бошланади.

Достон тугаб боряпти-ю, китобни ёпгинг келмайди. Ахир, 14 мисрани кифтини келтириб ёддан айтиш-ку қанчалар машаққат, лекин Фозил Йўлдош ўғли нақд 14 минг (!) мисрали бу улуғ асарни қандай куйлади экан?! Рости, жаҳонда «Алпомиш»га ўхшаш асар яна борми ўзи?! Саволларингиз тугамай туриб, бир тугал хулосага келасиз:

«Алпомиш»ни яратган халқ — буюк халқ!

Асарда шу буюк халқ руҳи шундоқ уфуриб турибди. Бу руҳ тагзаминида улуғ бир орият ётади.

Шундай ор, шундай руҳ, шундай ғурур бизники эканидан ҳар биримизнинг кўнглимизда ажиб бир сурур пайдо бўлади.

Ана шунда...

Беихтиёр шоирга қўшилиб, унинг «бек»ига «ўз»ни қўшиб:

Кетмасин ўзбекнинг номусман ори! —

дегинг келади.

Ахир, орияти йўқ халқ халқми?!

Султонмурод ОЛИМ

Ўзбекнома

Бу билан ҳам мавқи босилмайди:

... Биздан қолган қўзилар,

Қўй бўлибди, ёр-ёр,

Бунда қолган Барчиной

Бўй бўлибди, ёр-ёр

Бўй қиз бўлиб жуда ҳам

Тўй бўлибди, ёр-ёр.

Биздан қолган қулуплар

От бўлибди, ёр-ёр,

Биздан қолган Барчиной

Ёт бўлибди, ёр-ёр

Бу гапларга Барчинойнинг мот бўлишдан бошқа чораси йўқ эди:

Ўйлай-ўйлай Барчиной

Ўй бўлибди, ёр-ёр,

Ҳозир гумон қилибсиз,

Ёт бўлибди, ёр-ёр,

Сизи билан айтишиб,

Мот бўлибди, ёр-ёр

Пахтакорчилар устун келишди

Бундан 19 йил аввал авиация ҳалокатига учраган «Пахтакор» жамоасининг марҳум футболчилари руҳи бу сафар ҳам муносиб хотирланди. Собиқ пахтакорчиларнинг оила аъзолари, яқин кишилари, футбол мутахассислари-ю, спорт жамоатчилиги пойтахтнинг марказий ўйингоҳига кираверишда пахтакорчиларга ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди. Кейин, Боткин қабристони зиёрат қилинди. Шундан кейин улар «Пахтакор — 79» хотира соврини учун анъанавий мусобақанинг финал ўйинларини ўтказиш учун Янгиер шаҳрига жўнаб кетдилар. Маълумки, пахтакорчиларни ёд этишга бағишланган маросим ҳар йили турли жойда, яъни пахтакорчилардан бири туғилиб камол топган масканларда ўтказилмоқда. Бу сафар эса мухлислар Николай Куликов таваллуд топган Янгиерга тўпланишди. «Пахтакор» — «Хоразм» жамоалари ўртасида ўтказилган финал ўйини пахтакорчилар фойдасига 2:1 ҳисобида якунланди.

Навбат якунловчи даврага

Бутун «Косонсой» — «Насаф» жамоалари учрашуви билан узоқ танаффусдан кейин олий табақа жамоаларининг мамлакат миллий чемпионати ҳал қилувчи давраси ўйинлари бошланади. Эртага эса «Навбаҳор» — МҲСК, «Зарафшон» — «Дўстлик», «Металлург» — «Трактор», «Хоразм» — «Нефтчи», «Сурхон» — «Андижон», «Сўғдиёна» — «Темирйўлчи» жамоалари майдонга тушадилар. «Пахтакор» — «Бухоро» учрашуви кечиктирилди. Якунловчи давра олдидан пахтакорчилар 36 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Нефтчи» ҳисобида 33 та, «Навбаҳор»да 30 та очко бор.

Спорт

«Сайра, каклигим, сайра»

Шавкат АКРОМОВ олган сурат

Қирқ йилдан сўнг...

Улар «Андижонбанк» биносида тасодифан учрашиб қолишди. Тўладан келган аёл пул олиш учун навбатда турган эди. Унинг ёнига Турғунбой Рўзиев қўшилди. Турғунбой ҳужжатларини расмийлаштираётган аёлнинг овозини эшитиб, бир сергакланиб олди. Унинг юзига қарамоқчи бўлди-ю, аммо истиҳола қилди. Бу орада аёл ғазначига бир неча саволлар бера бошлади. Турғунбой яна безовталанди. «Бу овозни қаерда эшитган эдим. Нақадар таниш». Унинг сабри чидамади. Аёлнинг рўпарасига ўтиб, унга зимдан тикилди. Унинг пул олишини кутди. Ниҳоят, аёл кетмоқчи бўлиб қўзғалган эди, Турғунбой:

— Кечирасиз, сиз Ноила Муҳитдинова эмасмисиз? — деди.

Аёл кескин бурилиб, Турғунбойнинг юзига бокди. Қаради-ю, чеҳраси ёришиб кетди. Шу заҳотиёқ:

— Рў-зи-ии-ев, бормисиз?, — деди.

Турғунбой Рўзиев ҳайратда қотиб қолди. Нахотки, бундан қирқ йил илгари адабиётдан дарс берган ўқитувчиси унинг исми-шарифини адашмай айтди-я!

Ноила Муҳитдинова Андижон туманидаги 17-ўрта мактабда нафақага чиққунга қадар адабиётдан дарс бериб келди. Турғунбой ҳам шу мактабда ўқиди. Ўқувчилик йилларида эҳтимол Турғунбой шўхлик қилиб муаллиманинг дилини оғритганмикин? Ана шу оғриқлар туфайли ўқувчисининг исм-шарифи, овози бир умрга қалбида муҳрланиб қолдимикин? Аксинча, ҳар бир дарсда Турғунбой биринчилардан бўлиб муаллимаси берган саволларга жавоб қайтаришга интиларди. Балки унинг аълочилиги, ҳозиржавоблиги ҳамон кўз ўнгида турганмикин? Эҳтимол?

Нима бўлганда ҳам қирқ йил дийдорлашмаган муаллима бир сонияда шогирдининг фамилиясини дадил эсга олиши мўъжиза. Бу мўъжизани фақат чинакам устозлар ярата олади.

Муқимжон НИЁЗОВ

Ҳаётий қатра

50 минг томошабин завқи

Наманганда яқинда янги иш бошлаган «Шарқ телевидениеси» Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига бағишлаб катта хайрия концерти уюштирди. Тошкентлик истеъдодли хонанда Илҳом Фармонов ва «Илҳом» гуруҳи концертида лоф эмас, 50 мингдан ортиқ одам қатнашди. Томошабинлар ўриндиқлардан ташқарида ҳам Илҳомжонни олқишлашди. Ёшларгаку гап йўқ, бунақа томошадан қолишмайди. Концертга минглаб отахон ва онахонларнинг ташриф буюришганига нима дейсиз?! Айниқса, хонанданинг «Онажонинг рози қил» қўшиғини ҳамма баравар куйлади.

Мамат МАҲМУД

Ўқишни —янги мактабда

Истиқлол йилларида маориф тизимини яхшилаш ва мукамаллаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳот ўз самарасини бера бошлади. Мактабларда 9 ва 11 йиллик ўқувларни жорий этилиши лицей ва коллежларнинг кўпайиб бораётгани шундан нишона. Таҳиатошда иқтисодиёт ва ишбилармонлик коллежининг 720 ўқувчига мўлжалланган биносини фойдаланишга тахт қилиб қўйилиши эса байрамга муносиб туҳфа бўлиб турибди. Қурилишни «Таҳиатошгидроэнергострой» бошқармаси бунёдкорлари амалга оширдилар. Синфхоналар замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган бўлиб, компьютер ва лингафонлар ҳам ўрнатилган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Ташкилот

Тошкентдаги омборидан сотади:

ўқув-ёзув қуроллари, А-4 ҳажмдаги ёзув қоғозлари, ёзув машинкаси лента лари (13x8, 16x8), касса аппаратлари лента лари, икки қаватли кирза материаллари (қўлқоп ва этик тикиш учун мўлжалланган)

Тел: (3712) 57-02-36, 57-16-08

Россияда ишлаб чиқарилган шпагат СОТИЛАДИ

Телефон: 58-86-73

(қўнғироқ соат 18⁰⁰ дан кейин)

Ташкилот

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — мўлжал: Шимолий темир йўл вокзали.

Телефон: 54-56-97,

факс 54-49-11

Пейжер (067) 90-79

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Фар-Зеб» масъулияти чекланган жамият

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Урарту-бизнес» хусусий фирмаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги «Азия тур Д» масъулияти чекланган жамият

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Бош муҳаррир

Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Тўлқин ЭШБЕК*, навбатчи *Соҳибжон САЛИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи -дастурчи Бахтиёр Ҳамидов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.866 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0232

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА